# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 31 октябрь, № 213 (5633) Чоршанба


**Мамлакатимизда:**

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

### Қорақалпоғистон Республикаси

*Қораўзак туманида бугунги кунда 1000 дан зиёд тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда.*

## Саноатда кенг қўлланилади

Яқинда улар сафига яна бир корхона — “Бўстон тальк” масъулияти чекланган жамияти ҳам қўшилди. Тадбиркор Бобур Файзиев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур корхонада саноатда кенг қўлланиладиган вермикулит концентрати ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Қоратоғ этакларида мазкур хом ашё захираларига бой конлар мавжуд. Муҳими, янги корхона шарофати билан 30 кишининг бандлиги таъминланди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, айни пайтда жамиятда қурилиш маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган 1 миллиард 100 миллион сўмлик лойиҳа ижросига ҳам киришилган.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Наманган

*Нефть ва газ саноати учун бутловчи қисмлар тайёрлашга ихтисослаштирилган “Наманганмаш” очиқ акциядорлик жамиятида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида яна уч турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

## Маҳаллийлаштириш дастури асосида

Айни пайтда корхона жамоаси томонидан тайёрланган 40 дан ортиқ турдаги бутловчи қисмлар буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Эътиборлиси, машинасозлар жорий йилнинг ўтган даврида 3 миллиард 368 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришган бўлса, шунинг учдан икки қисми маҳаллийлаштирилган бутловчи қисмлар ҳиссасига тўғри келади. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баробар кўп, демакдир.

Айтиш лозимки, вилоятдаги саноат корхоналарида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган лойиҳалар рўёби туфайли жорий йил бошидан буён 37,1 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Хоразм

*Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам экспортчи корхоналар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.*

## Жаҳон бозоридан буюртма

Шовот туманида фаолият бошлаган “Uztex Shovot” масъулияти чекланган жамияти ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан биридир. Йилига 5 минг тонна калава ип тайёрлаш қувватига эга мазкур саноат мажмуаси 33 миллион АҚШ долларилик инвестиция ҳисобига бунёд этилди.

— Маҳсулотларимизнинг 90 фоизи хорижга сотилади, — дейди корхона раҳбари Шокир Чавдиров. — Айни пайтда чет эллик ҳамкорларимиз билан шартномалар имзолаганмиз.

Ҳозир корхонада 250 киши меҳнат қилмоқда. “Uztex Shovot” тўла қувватга эришгач, ишчилар сони 500 нафарга етади.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Кичик бизнес:**

# Иқтисодиётнинг мустаҳкам таянчи



*Ўзбекистон жаҳонда давом этаётган глобал молиявий инқирознинг салбий таъсирларига ишончли равишда қарши туриб, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаётган саноқли давлатлардан бири сифатида халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Сабаби, кейинги йилларда юртимизда барча соҳаларда барқарорлик кузатилиб, аҳолининг турмуш даражаси тобора фаровонлашиб бораяпти.*

Жумладан, 2012 йилнинг 9 ойида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8,2 фоизни ташкил қилиб, саноатда 7,2 фоиз, қишлоқ хўжалигида 7,1 фоиз, қурилишда 9,8 фоиз, чакана товар айланмасида 12,6 фоиз, хизматлар кўрсатишда 13,8 фоиз ўсишга эришилгани бунинг яққол далилидир.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлисида алоҳида таъкидланганидек, бунга Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбек модели” изчил амалга оширилиши туфайли эришилмоқда.

Дарҳақиқат, олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришда беш тамойилга асосланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ўзимизга хос ва мос йўлида олиб борилаётган оқилона ислоҳотлар муҳим роль ўйнамоқда. Бу жараёнда бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига мослашувчан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга эътибор кучайтирилиб, Конституциямиз ҳамда миллий қонунчилигимизда унинг устуворлиги таъминлангани айни муддао бўлаётир. Пировардида истиқлол йилларида халқимизнинг қонқонига сингиб кетган тадбиркорлик фазилати нафақат қайта тикланди, балки янгича мазмун-мазмун билан бойиди.

> **Мамлакатимизда 2012 йилнинг 9 ойи мобайнида**
>
> **18,4 мингта**
>
> **янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.**

Бугунги кунда кичик бизнес мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилаётган асосий кучга айлангани, айниқса, қувонарлидир. Республика ялпи ички маҳсулотида уларнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиз ўрнига 54 фоизга етгани, ушбу соҳада иш билан банд бўлганларнинг сони шу давр мобайнида 2 баробардан ошиб, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат қилаётганларнинг 75,1 фоиздан зиёдини ташкил қилгани шундай дейишимизга асос бўла олади, албатта. Буларнинг бари кичик бизнеснинг мавқеи тобора мустаҳкамланиб, нуфузи ортиб бораётганидан далолатдир.

Яқинда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари ҳам иқтисодиётимизда қўлга киритилаётган ютуқларга юксак баҳо бердилар. Дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатидан икки юз элликка яқин давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари форум доирасида тадбиркорлар фаолияти билан яқиндан танишиб, Ўзбекистон эришаётган иқтисодий ютуқлар замирида кичик бизнесга берилаётган эркинлик, яратилган қулай ишбилармонлик муҳитининг беқиёс самараси мужассам эканлигини ҳавас ва ҳайрат ила қайд этдилар.

(Давоми 2-бетда).

*Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ижрочи директори, БМТ Бош котибининг ўринбосари Бабатунде Осотимеин Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов билан учрашди.*

# БМТ Бош котибининг ўринбосари Ўзбекистонда

Мулоқот чоғида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оила ва жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган “2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янада юқори поғонага кўтаришда муҳим дастуриламал бўлаётгани қайд этилди.

Жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак салоҳиятли авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу жараёнда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг, жумладан, болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли натижаларга эришилмоқда. Бугун мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида оналик ва болаликни муҳофазалашга оид жаҳон тиббиётининг барча илғор услублари, техника ва технологиялар ютуқларидан амалда самарали фойдаланилмоқда. Ўзбекистонда она ва бола хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи халқаро андозаларга асосланган кенг миқёсли ислоҳотлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

БМТ Аҳолишунослик жамғармаси 1993 йилдан буён мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, юқумли касалликлар профилактикасига кўмаклашиш каби қатор хайрли ишларга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Учрашувда БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ижрочи директори, БМТ Бош котибининг ўринбосари Бабатунде Осотимеин Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишларга юксак баҳо берди.

— Ташкилотимиз билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганидан мамнунмиз, — деди Бабатунде Осотимеин. — Ўзбекистонда аҳолишунослик дастурларини кенг миқёсда амалга оширишга, жумладан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, фаровонлигини оширишга катта эътибор қаратилаётир.

(Давоми 2-бетда).

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. “Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган мазкур тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.*

# Қулай ишбилармонлик муҳити

**мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим гаровидир**

Тадбирда алоҳида қайд этилганидек, мамлакатимизда мустақиллик йилларида демократик бозор ислоҳотларини амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқларини либераллаштириш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлашда кенг кўламли янгиланишлар рўёбга чиқарилмоқда. Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида иқтисодиётни янада тараққий эттиришнинг стратегик йўналишлари ва вазифалари белгилаб берилди. Ушбу дастуриламал ҳужжат асосида янги қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда, амалдагиларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, иқтисодиёт тармоқларини янада қўллаб-қувватлашга оид фармон ва қарорлар эълон қилинмоқда. Биргина жорий йилда 80 та рухсат бериш тартиботаомиллари, 15 та лицензияланадиган фаолият турлари бекор қилинди. Молиявий ҳисоботлар тақдим этишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробарга қисқартирилди. Бу каби рағбат ва имкониятлар даражаси мазкур қонун лойиҳаси меъёрлари орқали янада кенгайтирилади, албатта.

(Давоми 2-бетда).

# Сертификатлар топширилди

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси дала полигонида мазкур муассасада малака оширган 600 нафардан ортиқ профилактика инспекторларига сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.*

### Тадбир

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов алоҳида таъкидлаганидек, тизимда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, аҳоли тинчлиги ва осойишталиги таъминлаб келинмоқда. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан профилактика ишлари кучайтирилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида милиция таянч пунктларининг ташкил этилгани бу борада долзарб аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Тараддуд

*Халқимизнинг “Ёзда ёпинчиғингни қўйма, қишда ўзинг биласан”, деган мақоли бежиз айтилмаган. Чунки куз-қиш фаслларининг серёмғир ва совуқ кунларига жиддий ҳозирлик кўрилмаса, шошиб қолиш ҳеч гап эмас. Шундай экан, бу мавсумга пухта тайёргарлик кўриш долзарб вазифалардан ҳисобланади.*

**Мавсумга тайёргарлик:**

# Эътибор ва масъулият

Навоий вилоятида, масалан, саноат тармоқлари, ташкилот ва муассасалар, уй-жойларни 2012/2013 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида махсус комиссия тузилиб, у ҳудудларда иш олиб бормоқда. Натижада қисқа муддат ичида 31 умумтаълим мактаби, 26 та мактабгача таълим муассасаси, Меҳрибонлик уйи ҳамда 6 та тиббиёт масканида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Вилоятнинг олис чўл ҳудудларида жойлашган, табиий газ етиб бориши қийин бўлган қишлоқлар аҳолисини, шунингдек, ушбу ҳудудлардаги ижтимоий соҳа объектларини муқобил ёқилғи билан таъминлаш учун эса 19596 тонна кўмир жамғариш чоралари кўрилаётир.

Айниқса, Навоий шаҳридаги иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли яшаш жойлари ва ижтимоий объектларни куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли яшаш жойлари ва ижтимоий объектларни 2012/2013 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш юзасидан қабул қилинган қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган, — дейди вилоят Уй-жой-коммунал хўжалиги департаменти бошлиғи Амриддин Абдураҳмонов. — Унга кўра, шаҳарда куз-қиш мавсумига тайёргарлик борасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 4 та сектор тузилиб, уларга мутасадди раҳбарлар масъул этиб тайинланган. Шунингдек, шаҳардаги мавжуд 30 та маҳалла секторларга тақсимланиб, уларнинг ҳар бири бўйича ишчи гуруҳлари тузилгани ўз самарасини бермоқда.

(Давоми 3-бетда).

# Қулай ишбилармонлик муҳити

**мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим гаровидир**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда парламент ислоҳотлари амалга оширилиши натижасида қонунларни мукаммал тарзда қабул қилиш имконияти кенгайиб, сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари ўртасида конструктив баҳс-мунозаралар кучайди. Бу, ўз навбатида, парламентнинг профессионал фаолияти самарадорлигини таъминламоқда. Ана шундай қизғин баҳс-мунозаралар юқорида номи зикр этилган қонун лойиҳаси муҳокамасида ҳам яққол кўзга ташланди. Унда сиёсий партиялар фракциялари сайловолди дастурлари ва платформасидан келиб чиқиб, ўз позицияларини илгари суришди. Мазкур қонун лойиҳаси бўйича таклиф ва тавсиялар ишчи гуруҳ аъзолари томонидан атрофлича муҳокама этилди.

Ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг шу йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида ишлаб чиқилган. У ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада оширишга қаратилгандир. Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Божхона, Солиқ кодексларига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, шунингдек, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги ва "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш кўзда тутилаётир.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида алоҳида қайд этилганидек, ишбилармонлик муҳитининг ҳозирги ҳолати, бизнесни юритиш шарт-шароитлари эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умумқабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга ҳали тўлиқ даражада мос келаётгани йўқ. Тадбиркорлик фаолиятини ортиқча регламентлар билан чеклаб қўйиш ҳоллари ҳали ҳам бартараф этилмаган, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида катта, серхаражат, ноошкора маъмурий тартиб-таомиллар ҳамон амал қилиб келмоқда, бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам берилмаган.

Шу маънода, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган ҳамда иккинчи ўқишга тайёрланаётган "Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини пишиқ-пухта тайёрлаш, унда Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларни тўлиқ қамраб олиш ўта муҳимлиги таъкидланди.

Маълумки, қуйи палатада қонун лойиҳаларини сиёсий партиялар фракциялари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилган. Янги тайёрланган қонун лойиҳасининг аҳамияти катта бўлганлиги боис фракциялар томонидан ўз электорати манфаатлари, партияларнинг дастурий вазифалари ва мақсадларидан келиб чиқиб, қатъий позициялари белгилаб олинди. Шу боис фракциялар мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашга жиддий қарашди. Бу қўмита ишчи гуруҳи йиғилишида ҳам кўзга яққол ташланди.

— Ушбу қонун лойиҳаси халқимиз, айниқса, ЎзЛиДеП электорати ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонлар учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжатдир, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияси аъзоси Маъруф Усмонов. — Шуни алоҳида қайд этиш керакки, қонун лойиҳасига асосан, учта йўналишда амалдаги қонунларга ўзгартишлар киритилмоқда. Аввало, бу ўзгартиш жиноий жавобгарликни либераллаштиришга қаратилган бўлиб, унга кўра, шартномага мувофиқ банк ходимларининг тадбиркорлик ва бошқа тижорат таваккалчиликлари учун берган кредитлари қайтарилмаган ҳолларда уларни жиноий жавобгарликка тортмаслик масаласи кўзда тутилмоқда. Яъни фақат шартнома шартларига асосан фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари орқали кредитни қайтариш чоралари кўрилади, холос. Шу ўринда амалдаги қонунчиликда касб ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ асосли таваккалчилик институти мавжуд эканлигини айтиш жоиз. Лекин бу таомил тадбиркорлар томонидан асосли таваккалчилик қилиш натижасида мақсадга эришмасдан зарар келтирилган ҳолларда уларнинг жиноий жавобгарликка тортилмаслигини кўзда тутарди. Бундай тартиб кредит берган банк ходимларига татбиқ этилмас эди. Мазкур қонун кучга киргач, банк ходимлари ҳам тадбиркорлар сингари таваккалчилик асосида қилинаётган ишлар учун берилган кредитларнинг қайтиш-қайтмаслигидан қатъи назар, жиноий жавобгарликка тортилмайди. Бу норманинг ҳаётга татбиқ этилиши банклар томонидан кредитлар ажратиш кўламини кенгайтириб, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши билан хусусий мулк устуворлиги таъминланади, унинг ҳуқуқий муҳофазаси кучаяди. Ушбу соҳадаги жиноий жавобгарлик либераллашади.

— Мамлакатимизда тадбиркорликнинг изчил ривожланиши электоратимиз ҳисобланган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини, хусусан, кам таъминланган оилаларни иш билан таъминлашга муҳим ҳуқуқий асос бўлади, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Абдуманноб Раҳимов. — Пировард натижада фуқароларнинг турмуш фаровонлигини оширишга ҳам катта ҳисса қўшади. Шу боис партиямиз ушбу қонун лойиҳаси концепциясини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Лекин бизнинг партиямиз мазкур қонун лойиҳаси нормалари бўйича принципиал позицияга эга. Бу нималарда кўринади? Аввало, қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга айрим ўзгартишлар киритиш кўзда тутилмоқда. Яъни устав фондида давлат улуши бўлмаган корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкини ўзлаштириш, растрата йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси, ваколатли бошқарув органи ёки мана шу корхонанинг мулкдори берган аризасига мувофиқгина жавобгарликка сабаб бўлади. Лекин мана шу майда талон-торож қилиш корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбарлари ёки ходимлари томонидан содир этилган бўлсачи? Яъни ким томонидан зиён етказилса, деган масала очиқ қолаяпти. Шунинг учун партиямиз фракцияси қонун лойиҳасида субъект аниқ кўрсатилиши керак, деган таклифни берди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши янги иш ўринлари яратилиши, аҳоли, айниқса, аёллар, ёшлар ҳамда жисмоний имконияти чекланганлар бандлигини таъминлашга, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Албатта, бу эзгу мақсадларга эришишда қонунни пухта-пишиқ тайёрлаш, экспертлар фикрларини ўрганиш ўта муҳимдир.

— Ишчи гуруҳ йиғилишида муҳокама этилган қонун лойиҳаси, албатта, бизнинг электоратимиз — миллий ҳунармандлар, оилавий тадбиркорлик субъектлари ва энг асосийси, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан катта аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Сарвар Отамуратов. — Масалан, амалдаги "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонунда жамият давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз ҳиссасининг камида ўттиз фоизини киритиши шартлиги белгилаб қўйилган. Янги қонун лойиҳасида ушбу норма чиқариб ташланмоқда. Дарҳақиқат, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишларидан бири, бу, шубҳасиз, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришдир. Албатта, ишчи гуруҳда муҳокама қилинган қонун лойиҳасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари — хоҳ озиқ-овқат, хоҳ ноозиқ-овқат маҳсулотлари бўлсин — албатта, ички истеъмолчиларни, яъни аҳолимизни сифатли, арзон, харидоргир ва энг асосийси, рақобатбардош маҳсулотлар билан маҳаллий бозоримизни таъминлашга хизмат қилади. Фракциямиз маҳаллий ишлаб чикарувчиларга берилаётган имтиёзлар бўйича таклифларини билдирди. Биз уларни қуйи палата ялпи йиғилишида ҳимоя қиламиз.

— Партиямиз сайловолди дастурида қонунлар мукаммаллиги ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган, — дейди Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Ойша Ахунова. — Шу маънода айтганда, қонун лойиҳасидаги нормалар партиямиз сайловолди дастурларига, электорат манфаатларига тўлиқ мос келади. Мисол учун, қонун лойиҳасининг 7-моддасида "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Қонун 39-моддасининг иккинчи қисми янги таҳрирда берилмоқда. Бунда эмитентлар, қимматли қоғозлар бозорида олиб борилаётган ҳар қандай ахборотлар, ҳисоботлар, уларнинг даромадлари тўғрисидаги маълумотларни ваколатли давлат органининг веб-сайтида жойлаштириб бориш ва эмитент ўзининг даромадлари ҳақида, йиллик ҳисоботлари ҳақида ахборотлар бериши кўзда тутилмоқда. Бу партиямиз дастурига жуда мос. Чунки партиямиз дастурида бошқарувнинг ошкоралиги, очиқлиги, ҳисобдорлик тамойиллари алоҳида белгилаб қўйилган.

Қизғин муҳокама тарзида ўтган тадбирда "Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини янада такомиллаштириш ва маромига етказиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

# БМТ Бош котибининг ўринбосари Ўзбекистонда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда 99 фоиз туғуруқ шифохоналарда амалга оширилмоқда. Бу жуда яхши кўрсаткич бўлиб, Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасида эришган катта ютуқларидан биридир. Президент Ислом Каримов она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича аниқ ва қатъий позицияга эга экани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг "Соғлом она — соғлом бола" дастури юксак эътирофга, ўрганишга лойиқ.

Музокарада Ўзбекистонда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, бу борада халқаро ҳамкорликни, хусусан, ЮНФПА билан ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Шу куни Бабатунде Осотимеин Республика перинатал маркази фаолияти билан танишиб, у ерда ҳомилани соғлом ҳолда дунёга келтиришнинг илмий-амалий асосларини яратиш, энг замонавий тиббий технологиялардан кенг фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Сертификатлар топширилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур масканларнинг тажрибали ва малакали инспекторлар билан тўлиқ таъминлангани ҳам бунда муҳим омил бўлаётир. Бугун юртимизда 3,5 мингдан зиёд милиция таянч пункти бўлиб, уларнинг 70,5 фоизида ҳар хил тўгараклар, 72,5 фоизида кичик бизнес шохобчалари, 84,8 фоизида спорт майдончалари фаолияти йўлга қўйилгани жойларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик кескин камайишига замин ҳозирлади. Жорий йилнинг ўтган даврида 4 мингдан зиёд маҳаллада биронта ҳам жиноят содир этилмагани шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Бундай ютуқларнинг қўлга киритилишида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга асосан, милиция таянч пунктлари янги техник воситалар билан тўлиқ таъминланди, тизимдаги ўқув юртларида малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда профилактика инспекторлари ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлиги механизми йўлга қўйилди. Бунинг натижасида бугунги кунга келиб, милиция таянч пунктлари нафақат юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда, балки болалар ва ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этишда ҳам ўзини янада кўпроқ намоён қилмоқда.

— Милиция таянч пунктимиз жойлашган фуқаролар йиғини ҳудуди жуда катта, — дейди Касби тумани ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими профилактика инспектори Умархон Сулаймонов. — Бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг ҳар бири билан тил топишиш, ҳудудда осойишталикни таъминлаш инспектордан катта билим ва тажриба талаб этади. Ўқув-йиғинида орттирган малакамиз бу борада бизга қўл келади. Зеро, бу ерда барча шарт-шароит яратилган бўлиб, касбий ва жисмоний тайёргарлик бўйича машғулотларда қатнашдик. Ушбу машғулотлар ҳар бир инспекторда ташкилотчилик, ташаббускорлик ҳамда фидойилик каби фазилатларни шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

— Ўқув-йиғинида сиёсий билимларимиз ҳам бойиди, — дейди Чимбой тумани ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими профилактика инспектори Ғафур Саидов. — Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарлари ҳамда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан яқиндан танишдик. Эндиликда булардан фаолиятимизни янада кучайтириш, яъни аҳоли билан ишлаш ҳамда юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда унумли фойдаланамиз.

Тадбирда ўқув-йиғин машғулотларида қатнашган профилактика инспекторларига сертификатлар топширилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





## Кичик бизнес:

# Иқтисодиётнинг мустаҳкам таянчи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чиндан ҳам, мамлакатимизда иқтисодиётнинг мазкур муҳим соҳаси учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Уни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш мақсадида эса қўшимча имтиёз ва преференциялар қўллаш, молия, солиқ ва статистика идораларига ҳисобот топшириш механизмини такомиллаштириш бўйича ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан шу йил қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Натижада ишбилармонлар сафи кенгайиб, ички бозор импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилаяпти. Узоққа бормайлик, биргина шу йилнинг 9 ойи мобайнида 18,4 мингта янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилгани бунга мисол бўла олади.



— Бизнес фаолиятимизни йўлга қўйиб, ички бозорда ўз ўрнимизни топишимизда тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар қўл келди, — дейди Самарқанд шаҳридаги "Sam plastex" хусусий корхонаси раҳбари Тожиқул Пўлатов. — Чунки корхонамиз ташкил этилган 2006 йилда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилиб, ошхона ва ҳаммомлар учун шифтбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Дастлаб 2-3 хилдаги шундай маҳсулот тайёрланган бўлса, айни пайтда харидорларга эни 12 сантиметрдан 27 сантиметргача бўлган 20 турдаги ашёни етказиб бераяпмиз.

Ушбу кичик корхонада хорижнинг замонавий технологиялари асосида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг сифати юқорилиги боис, унга бўлган талаб кун сайин ошиб бормоқда. Бугунги кунда нафақат Самарқанд, балки Бухоро, Жиззах, Хоразм ва республикамизнинг бошқа вилоятларидан буюртмалар олинаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Пировардида 2012 йилнинг 9 ойида 220 минг квадрат метр қурилишбоп материаллар тайёрланиб, аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 20 фоиз ўсишга эришилди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, хусусий тадбиркорлик дастлаб савдо-сотиқ, хизмат ва алоқа соҳасида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳисобига ривожланган бўлса, ҳозирги кунга келиб, у кириб бормаган соҳа деярли қолмади. Илғор илм-фан ютуқларига асосланган саноат тармоқлари дейсизми, фармакология ва фармацевтика дейсизми, ахборот-коммуникация тизими ёхуд муқобил энергетика турларидан фойдаланиш бўладими — буларнинг барчасида кичик бизнес субъектлари самарали фаолият юритиб, ички бозорни рақобатбардош маҳсулотларга тўлдирмоқда, аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Пойтахтимиздаги "Radiks" хусусий илмий-ишлаб чиқариш корхонаси дори воситалари тайёрлашга ихтисослаштирилган. 2002 йилда ишга туширилган ушбу объектда бугун меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар сони 320 нафарга етказилиб, уларнинг ғайрат-шижоати билан 35 та фармакотерапевтик гуруҳга кирувчи 107 хилдаги дори воситаси ишлаб чиқарилаяпти. Шундан 70 хили импорт ўрнини босувчи препаратлар эканлиги, айниқса, эътиборга лойиқ. Бундай натижага эришишда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 ноябрдаги "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарори туртки бермоқда.

Гап шундаки, ушбу қарорга мувофиқ, хориждан энг замонавий технологик линиялар олиб келиниб, кенг кўламли модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Бу эса инъекцион ва инфузион эритмалар, стериал антибиотиклар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратди.

— Давлатимиз томонидан биз, тадбиркорларга зарур ускуна ва бутловчи қисмлар, хом ашё ҳамда қўшимча компонентлар сотиб олишда солиқ ва божхона имтиёзлари берилмоқда, — дейди мазкур корхона директори Абдуғафур Каримов. — Шунинг ҳисобига тежаб қолинаётган маблағ, энг аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги дори-дармонлар ишлаб чиқариш, қўшимча иш жойлари ташкил этишга йўналтирилмоқда. Ҳозирги кунда қиймати 3,3 миллион АҚШ долларилик яна бир йирик лойиҳа устида изланаяпмиз. У ҳаётга татбиқ этилгач, 130 та иш ўрни яратилиб, таблетка ишлаб чиқариш ҳажми 5, суюқ дори воситалари ҳажми 2, суртма ва линиментлар тайёрлаш эса 3 баробарга ортади.

Кичик бизнес субъектларининг самарали фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Чунки ушбу соҳа бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига мослашувчан бўлиб, вазиятдан келиб чиққан ҳолда, фаолият йўналишини тезда ўзгартириш, бир пайтнинг ўзида кўплаб иш жойларини яратиш каби афзалликларга эга. Шу боис юртимизда тармоқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, одамлардаги ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Булар, албатта, ўз мевасини бермоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг таянчи ва суянчига айланиб, унинг рақобатбардошлигини оширгани, ўз навбатида, янги савдо йўлаклари очилишига, экспорт ҳажми кўпайишига, қисқача айтганда, юртимиз довруғи оламга янада кенгроқ ёйилишига хизмат қилаётир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Иқтидорли болалар тақдирланди

**“Янги авлод” болалар ижодиёти фестивалига қизиқиш йил сайин ошиб бормоқда. Буни мазкур ижодий тадбирнинг Бухорода ўтказилган вилоят босқичи мисолида ҳам кўриш мумкин.**

## «Янги авлод — 2012»

— Фестивалнинг шаҳар ва туман босқичларида 2300 нафардан зиёд ўғил-қиз иштирок этиб, ўз қобилияти ва иқтидорини намойиш этди, — дейди “Камалак” вилоят болалар ташкилоти раиси Адолат Акрамова. — Улар орасидан сараланган 395 нафар ўғил-қиз миллий чолғу, рақс, тасвирий санъат, шеърият каби 15 йўналишда ўзаро баҳслашди. Фестиваль нафақат иштирокчилар сони ошиб бораётгани, балки уларнинг изланишлари доираси кенгаётгани билан ҳам эътиборлидир. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган ижодий кўрик якунига кўра, 23 нафар ўғил-қиз ўз йўналишларида ғолиб, деб топилди. Улар фестивалнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ғолибларни тантанали тақдирлаш маросими тадбирга ўзгача файз бағишлади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мавсумга тайёргарлик:

# Эътибор ва масъулият



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мавсумга тайёргарлик кўриш жараёнида кўп қаватли уйларнинг том, ертўла қисмларини таъмирлаш, ички иситиш тизимлари ва муҳандислик-коммуникация тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш масаласи ҳам диққат-эътиборда турибди. Жумладан, шаҳардаги 563 та кўп қаватли уйнинг барчасида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари юқори савияда амалга оширилаяпти. Бу юмуш билан Навоий кон-металлургия комбинатининг уй-жой-коммунал хўжалиги бошқармаси ҳамда 28 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати шуғулланмоқда. Пировардида ҳозирга қадар 110 дан зиёд кўп қаватли уй-жой жорий таъмирланди. Қарийб 800 та кириш йўлагидаги эшикларга рақамли қулф ўрнатилиб, мавжуд ертўлалар тозаланди.

Мухтасар айтганда, Навоий вилоятида ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фондини куз-қиш мавсумида барқарор ишлашга тайёрлаш тадбирлари режа асосида изчил олиб борилмоқда.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 30 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2026,83 | 1 Россия рубли | 62,15 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3145,59 | 1 Украина гривнаси | 244,74 |
| 1 Дания кронаси | 339,08 | 1 Малайзия ринггити | 641,17 |
| 1 БАА дирҳами | 532,62 | 1 Польша злотийси | 610,59 |
| 1 АҚШ доллари | 1956,21 | 1 СДР | 3004,39 |
| 1 Миср фунти | 320,69 | 1 Туркия лираси | 1086,78 |
| 1 Исландия кронаси | 15,38 | 1 Швейцария франки | 2091,53 |
| 1 Канада доллари | 1959,54 | 1 евро | 2548,21 |
| 1 Хитой юани | 313,59 | 10 Жанубий Корея вони | 17,85 |
| | | 10 Япония иенаси | 245,39 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## Таҳлил ва таққос

*Яқин-яқингача қиш-баҳор мавсумида дастурхонларимиздан мева-сабзавот маҳсулотлари анча тортилиб қоларди. Боиси бундай паллаларда бозорларимиз расталари ҳам бўшаб, бор маҳсулотлар баҳоси одатдагидан уч-тўрт баробаргача қимматлашарди. Бугун-чи? Бугун бозорларимиз йилнинг тўрт фаслида ҳам табиат ноз-неъматлари билан тўла. Нарх-наво ҳам ҳамёнбоп. Бу, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.*

# Даладагиси эмас, омбордагиси ҳисоб

Шу кунларда Тошкент вилояти деҳқону соҳибкорлари боғ ва далаларида ҳам иш қизғин. Йиғиштириб олинган куз ҳосилининг ички эҳтиёждан ортгани пешма-пеш қайта ишланаётган бўлса, яна бир қисми сақлаш учун махсус омборхоналар, тайёрлов корхоналарига жўнатилаяпти. Қувонарлиси, бу жараёнда ҳудуд миришкорларининг мева-сабзавот етиштиришдаги салоҳияти юксалиш билан бирга, уларни қиш-баҳор мавсумига қадар сархил сақлаш борасидаги тажрибаси ҳам ортмоқда.

Авваламбор, кейинги уч-тўрт йил давомида вилоятда мева, сабзавот, узум, полиз ва картошка етиштириш ҳажми мавжуд эҳтиёжга нисбатан ўртача 4 баробарга кўпайганини таъкидлаш жоиз. Буни, масалан, ўтган йили вилоятда тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми 2 трлн. 657,9 млрд. сўмликдан ошгани ҳам яққол тасдиқлайди. Жорий йил якунида бу борадаги ютуқлар янада мустаҳкамланса, ажабмас. Негаки, вилоятда қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш бўйича кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир. Кейинги бир йил давомида соҳага жалб қилинган хориж инвестициялари ҳажми 9,4 миллион АҚШ долларини ташкил этгани шундан далолат беради.

Мазкур сармоялар вилоятда замонавий совутқичли омборхоналар тармоғининг сезиларли даражада кенгайишига ҳам хизмат қилмоқда. Бинобарин, жаҳонда ҳали-ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари оддий одамлар турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатаётган бир шароитда, биринчи галда, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги “2011 — 2015 йиллар даврида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам худди шу мақсадга қаратилган бўлиб, бу йўналишдаги ишларни тўғри йўлга қўйишда муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур ҳужжат талабларига мувофиқ, вилоятда белгиланган муддат ичида умумий қиймати 38 миллиард сўмлик 35 та совитиш камераси қуриш, мавжудларини эса модернизация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Бу йилига қўшимча 30-35 минг тонна маҳсулотни сифатли сақлаш имконини беради.

— Ҳозиргача вилоятимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақлашга мўлжалланган махсус совутқич камераларининг 22 таси бунёд этилди, — дейди вилоят ҳокимлигининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича котибият мудири Абролжон Сулаймонов. — Мавсум якунига қадар уларга сақлаш учун қўйилаётган мева-сабзавот ва картошка маҳсулотлари ҳажми 27 минг тоннадан ошади. Бундан ташқари, жорий ва капитал таъмирдан чиқарилган 160 га яқин анъанавий омборларда ҳам 60 минг тоннадан ортиқ ноз-неъматларни жамғариш кўзда тутилган.

Дарвоқе, мева-сабзавот етиштиришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган паркентлик, янгийўллик, зангиоталик, қибрайлик соҳибкорлар маҳсулотни қишда сақлашнинг бундай такомиллаштирилган усулларидан кенг фойдаланишга интилмоқдалар. Жумладан, Паркент туманидаги “Паркент гроуп” масъулияти чекланган жамиятининг 10 кишилик жамоаси қиш-баҳор мавсумида аҳоли дастурхонига, шунингдек, ташқи бозорга 1000 тоннадан зиёд сархил мева-сабзавот етказиб бериш ниятида.

— Бунинг учун жорий йилда корхонамизга хориждан 150 минг АҚШ долларилик энг сўнгги русумдаги технологик жиҳозларни келтирдик, — дейди жамият раҳбари Зоҳир Икромов. — Уларнинг афзаллиги шундаки, махсус вакуумли агрегатлар маҳсулотнинг сифатини бузмай, асл ҳолича сақлаш имконини беради. Энг муҳими, мева-сабзавот таркибидаги дармондориларнинг ҳеч бири йўқотилмайди. Ҳозир янги омборхоналарда 300 тонна узум жамғарганмиз.

Бундай музлаткичларнинг яна бир фойдали жиҳати ҳақида Зангиота туманидаги “Миришкор Сайфуддинова Хонзода” фермер хўжалигининг раҳбари Заҳириддин Сайфуддинов шундай дейди:

— Халқимизда “Даладагиси эмас, омбордагиси ҳисоб”, деган гап бор. Шунга амал қилиб, ўтган йилнинг кузида интенсив усулда ташкил этилган олмазоримизнинг илк ҳосилидан бир қисмини музлаткичга қўйгандик. Олманинг Польшадан келтирилган “Лигол” нави жуда яхши сақланаркан. 4-5 ой ўтганига қарамай, қип-қизил рангига гард юқмаган, мазаси тотли, ўзи йирик, карсилдоқ. Унинг 2 тоннасини пойтахтдаги энг катта супермаркетлардан бирига олиб келдик. Савдо ходимлари билан келишиб, ҳар килограмм олмага 2 минг сўмдан нарх белгиладик. Ваҳолонки, худди шундай олманинг хориждан келтирилганининг нархи 4-5 баробар баланд эди. Билсангиз, кун давомида раста харидорлар билан гавжум бўлди. Келаси сафар кўпроқ олиб келинглар, дейишди. Шу боис 9 гектарлик боғимизда етиштирилган ҳосилни йиғиштириб, аксарият қисмини туманимиздаги замонавий музлаткич омборларида сақлаяпмиз.

Кекса боғбоннинг иш тутуми ибратга лойиқ, албатта. Зеро, эл ризқини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва уларни йил бўйи, айниқса, илигузилди паллаларида аҳоли дастурхонига узлуксиз етказиб бериш хайрли ишдир.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Навоий вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Кармана тумани СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2012 йи 8 октябрдаги 21-1204/9242-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «ENTER BARLOS» ХКга тегишли, Кармана тумани, «Янги ариқ» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 5000 кв.м. бўлган, А-литерда жойлашган иссиқхона биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 187 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 7 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 5 декабрь куни соат 11.00.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТИБ «Ипотека-банк»и Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20200800504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий ш., П. Очилов к., 24-уй, Навоий вилояти Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.
Телефонлар: (8-436) 224-44-01, 224-15-61.
Расмий сайтимиз: www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.
1811R/1441

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ
очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

«Agro Sanoat Mulk Markazi» МЧЖ Фарғона филиалида 2012 йил 30 ноябрь куни соат 14.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилган:

Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2001 йил 26 декабрдаги 15-11-03/30003-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Fer Cotton» ХИЧК раҳбари У. Ботиров жавобгарлигида сақланаётган қуйидаги мол-мулклар қўйилган:

1. Вата прима (той пахта). Умумий миқдори — 299 490 кг. 1 кг.нинг бошланғич баҳоси — 4556,77 сўм. Жами — 1 364 707 000 сўм.

«Mimatas Tekstil» Туркия хорижий корхонаси омбор мудири Х. Ҳусанов жавобгарлигида сақланаётган:

2. Калава ип «Combed 40/1». Умумий миқдори — 29057,06 кг. 1 кг.нинг бошланғич баҳоси — 5598,09 сўм. Жами — 162 664 000 сўм.
3. Калава ип «Corded 30/1». Умумий миқдори — 18218,92 кг. 1 кг.нинг бошланғич баҳоси — 4640,78 сўм. Жами — 84 550 000 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдога бир кун қолганда, яъни 2012 йил 28 ноябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида ушбу мол-мулкларни республика ҳудудида ички эҳтиёжларни таъминлаш учун ва ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида фойдаланувчи барча турдаги корхоналар қатнашиши мумкин.

Аукцион ғолиби сотиб олган мол-мулкларининг тўла қийматини 5 банк иш кунида тўлаши шарт.

Ушбу очиқ аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Agro Sanoat Mulk Markazi» МЧЖ Фарғона филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ОАТ «Алоқабанк» Фарғона филиали, х/р: 20208000704962741002, МФО: 01011, СТИР: 207145283.

Аукцион савдосига қўйилган мол-мулклар билан танишиш, савдода қатнашиш учун ҳужжатлар тақдим этиш юзасидан ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй. Телефон: (+99873) 224-69-96.
1807A/206

● Реклама ва эълонлар ●

ООО «SHANXAY PLAST GROUP»
ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ
SPG PIPILENE
производит
полиэтиленовые трубы
Ø от 16 до 800 мм
для водоснабжения, канализации и газа,
соединительные детали:
тройники, переходники, отводы, адаптеры.
НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ И ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОК.
Производим поставку, монтаж и комплектацию ПЭ-трубопроводов Ø от 16 до 800 мм под ключ.
Гарантия качества! Звоните!
Адрес: г. Ташкент, ул. Зиёлилар, 42.
Телефон (+99890) 195-22-15.
Факс 269-02-03.
WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru
1630R/40



ТАРОЗИЛАР
Micros
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор
CAS
Корпорацияси (Жанубий Корея)
МАССА-К
Акциядорлик жамияти
0,0001 гр.дан 250 тоннагача
ИЖАРАГА
кран тарозилари бор
Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис
- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50;
- Тойтепа к., 5 ( Мўлжал — давлат поликлиникаси), тел.: (+99871) 232-06-61.
www.micros.uz
e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz
1815R/770



«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
қуйидаги профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади:

- **Инвестициялар кафедраси:** кафедра мудири, профессор, доцент.
- **Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси:** кафедра мудири, профессор, доцент.
- **Пенсия ва суғурта иши кафедраси:** кафедра мудири, профессор, доцент.
- **Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси:** кафедра мудири, профессор.
- **Чет тиллари кафедраси:** кафедра мудири, катта ўқитувчи.

Барча профессор-ўқитувчи лавозимларига (кафедра мудири, профессор, доцент ва катта ўқитувчи) номзодларни танлашда дунёнинг етакчи хорижий университетлари ва илмий марказларида таҳсил олган (стажировка ўтаган ёки малака оширган) ҳамда илғор хорижий таълим стандартлари ва технологияларини пухта эгаллаган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инглиз тилидан педагогик ҳамда илмий тадқиқот фаолиятида эркин, амалий фойдаланиш имкониятига эга бўлган, ўз мутахассислиги фанининг замонавий илмий-назарий, методологик ва амалий муаммолари ҳамда ривожланиш тенденцияларини чуқур ўзлаштирган шахсларга алоҳида эътибор қаратилади.

Кафедра мудири лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражали, профессор ёки доцент илмий унвонли шахслар иштирок этишлари мумкин.

Профессор лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ёки фан номзоди илмий даражали, профессор ёки доцент илмий унвонли ҳамда камида беш йиллик илмий-педагогик стажга эга, кафедра фанлари бўйича таълим тизимида танилган нуфузли дарслик, ўқув қўлланмалари ва ўқув-услубий мажмуалар муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин.

Доцент лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича илмий даражали, илмий унвонли, камида уч йил илмий-педагогик стажга эга, кафедра фанлари бўйича ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув дастурлари муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин.

Катта ўқитувчи лавозими танловида олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, камида икки йил илмий-педагогик стажга эга шахслар қатнашиши мумкин.

**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**
- *ректор номига ариза;*
- *кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
- *дипломлар ва аттестатлари нусхалари;*
- *илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;*
- *малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари.*

*Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳ. Орипов кўчаси, 16-уй. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 237-54-53, 237-53-61, 237-54-09.
1749A/1208



ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.
03R/97

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

24 — 29 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Борнмут шаҳри кураш бўйича ўсмирлар ўртасидаги биринчи ва ёшлар ўртасидаги VII жаҳон чемпионатларига мезбонлик қилди.

# Ёш полвонлар Борнмутда беллашдилар

...Истиқлол шарофати билан азалий қадриятларимизни тиклаш ва уларни жаҳонга танитишдек эзгу мақсад йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлар туфайли миллий спортимиз — курашнинг кенг оммалашишига эришилди. Дастлаб Шаҳрисабзда Амир Темур, Термиз шаҳрида Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнирлар ташкил этилди. 1992 — 1998 йилларда эса Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, АҚШ, Россия каби мамлакатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши намойиш қилинди. Натижада жаҳон ҳамжамияти 1998 йил 6 сентябрь куни ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман тан олди. Худди шу куни Осиё, Европа ҳамда Америка қитъасининг 28 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган Таъсис конгрессида Кураш халқаро ассоциацияси (КХА)га асос солинди.

Давлатимиз раҳбари 1999 йил 1 февралда “Халқаро “Кураш” Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонга имзо чекди. Бу ҳуқуқий ҳужжат курашни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Хусусан, ўша йили май ойида Тошкентда кураш бўйича I жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда сайёрамизнинг элликка яқин давлатидан келган полвонлар ғолиблик учун беллашди. Кейинчалик ўзбек миллий кураши бўйича жаҳон чемпионатларига Туркиянинг Анталия, Венгриянинг Будапешт, Арманистоннинг Ереван, Мўғулистоннинг Улан-Батор ва Украинанинг Алушта шаҳарлари мезбонлик қилди. Буюк Британия, Франция ҳамда Греция каби мамлакатларда эса кураш бўйича халқаро турнирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тантаналари арафасида Япониянинг Токио шаҳрида Осиё олимпия кенгашининг навбатдаги Бош ассамблеясида 2013 йили Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳридаги ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган ҳамда жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинлари дастури муҳокама этилди. Қувонарлиси, унда кураш ана шу нуфузли мусобақалар дастурига расман киритилди. Бу, албатта, миллий спортимизнинг халқаро миқёсдаги обрўси янада юксалиб бораётганининг ҳаётий тасдиғи ҳамда унинг Олимпия ўйинларига киритилиши сари қўйилган яна бир дадил қадамдир.

Дарҳақиқат, ўзбек курашининг умумжаҳон қадрияти сифатидаги тараққиётида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларнинг аҳамияти беқиёс. Ҳозирги кунда бешта қитъада Кураш конфедерациялари ташкил этилган бўлиб, Халқаро кураш ассоциациясига 120 давлат аъзо.

...Борнмут шаҳридаги “Roy Moore” спорт мажмуасида ташкил этилган ўсмирлар ўртасидаги биринчи жаҳон чемпионатида 16 ёшгача бўлган ўғил-қизлар совринли ўринлар учун баҳс олиб борди.

Кескин ва муросасиз ўтган беллашувлар якунида ўғил болалар ўртасида ҳамюртларимиздан Жаҳонгир Норқобилов, Шерзод Бобомуродов, Темур Мерганов ўз вазн тоифасида ғолиб чиқди. Шунингдек, франциялик Алексис Никол ва Саша Фламент, грециялик Миман Илиадис ҳам жаҳон чемпионатининг олтин медаллари билан тақдирландилар. Қизлар баҳсида эса мўғулистонлик Мунхжаргал ва Чиа Ю Лин (Хитой Тайпейи) барча рақибаларидан устун эканлигини намоён этди. Хулас, беллашувларда вакилларимиздан олти нафари кумуш ва тўрт нафари бронза медалига сазовор бўлди.

Ёшлар ўртасидаги VII жаҳон чемпионатида 1993 — 1995 йилларда туғилган курашчилар совринли ўринлар учун беллашди. Эътиборли жиҳати, мусобақада энг кўп олтин медалларга кураш ватани вакиллари — ўзбекистонлик полвонлар эгалик қилди. Жумладан, ҳамюртларимиздан Абдураҳмон Абдуллаев, Умид Эсонов, Беҳзод Дўстқулов, Ҳасан Назаров, Жалолиддин Шерназаровга тенг келадиган рақиблар топилмади. Яна бир олтин медални эса мўғулистонлик Пуревбатар Гонгор қўлга киритди. Мусобақада терма жамоамизнинг беш нафар аъзоси кумуш, икки нафари бронза медалига эгалик қилди.

Ҳамюртимиз София Эломонова эса қизлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди. Яна бир вакиламиз Одина Авезова бронза медали билан тақдирланди.



**Малайзияда теннис бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди.**

## Теннисчимиз муваффақияти

Унда ҳамюртимиз Жўрабек Каримов жуфтликлар беллашувида бош совринни қўлга киритди. Халқаро теннис федерацияси (ITF) мусобақалари тақвимига кирувчи мазкур турнирда ҳиндистонлик Сахил Дешмух билан бирга кортга чиққан ёш теннисчимиз саралаш учрашувларида Жун Синг Тан ва Рйо Ватанабени, Ирфанди Хендраван ва Хендраван Сусантони, Ху Ер Янг ва Саййид Оқил Нагубни мағлубиятга учратиб, финалга қадар етиб келди. Ҳал қилувчи баҳсда эса улар мусобақанинг энг кучли жуфтлиги дея эътироф этилган индонезиялик тандем Нурадим Рамдани ва Армандо Соэмарнодан устун келдилар.

Ҳамюртимиз яккалик беллашувлари финалида жуфтликдаги шериги Сахил Дешмухга имкониятни бой бериб қўйди.

## Миллионлар кутган ўйинлар

*Келаётган шанба куни Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича ёшлар (U19) ўртасидаги Осиё чемпионати бошланади.*

Унда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади. Қуръага кўра, Аҳмаджон Мусаев шогирдлари мусобақанинг “C” гуруҳидан жой олган бўлиб, кейинги босқичга чиқиш учун Корея Халқ Демократик Республикаси, Вьетнам ва Иордания терма жамоаларига қарши баҳс олиб борадилар. Вакилларимиз Осиё чемпионатидаги биринчи учрашувни 4 ноябрь куни Вьетнам ёшлар терма жамоасига қарши ўтказишади. Ўйин Тошкент вақти билан соат 22:00 да бошланади. Шунингдек, шу куни КХДР — Иордания ўртасидаги беллашув ҳам бўлиб ўтади.

**Гуруҳдаги қолган учрашувлар эса қуйидаги саналарга белгиланган:**

6 ноябрь, 18:00 Иордания — **Ўзбекистон**
6 ноябрь, 22:00 Вьетнам — КХДР
8 ноябрь, 22:00 КХДР — **Ўзбекистон**
8 ноябрь, 22:00 Вьетнам — Иордания.

Ҳар бир гуруҳдан биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган жамоалар чорак финалга йўл олади. Бу босқичдан ҳам муваффақиятли ўтиб, ярим финал иштирокчиси бўлган тўртта терма жамоа келаси йили Туркияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритади.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**





ООО «GST OIL» — официальный дистрибьютор в Узбекистане

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118.
Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60.
E-mail: gsthyundai@gmail.com
Web site: www.hhi.uz

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

420R/320



● Реклама ва эълонлар ●

## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

2012 йил 3 декабрь куни соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри хўжалик судининг ижро хатига асосан, Беруний тумани СИБ томонидан хатланган: 1988 йилда ишлаб чиқарилган «Зил-157» русумли, давлат рақами 23 AL 980, бошланғич баҳоси — 676 000 сўм, 1980 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-5204» русумли, давлат рақами 76-46 КПЕ, бошланғич баҳоси — 631 000 сўм, 1950 йилда ишлаб чиқарилган «Зил-150» русумли, давлат рақами 23 AJ 110, бошланғич баҳоси — 676 000 сўм, 1980 йилда ишлаб чиқарилган «ГАЗ-53Б» русумли, давлат рақами 76-45 КПЕ, бошланғич баҳоси — 316 000 сўм.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани СИБ томонидан хатланган, «Шортанбай» ММТПга қарашли бўлган ва «Шортанбай» ММТПда вақтинча сақланаётган: 1999 йилда ишлаб чиқарилган «ДТ-75» русумли трактор, завод рақами 890130, бошланғич баҳоси — 19 496 000 сўм, 1987 йилда ишлаб чиқарилган «МТЗ-80» русумли трактор, завод рақами 557300, бошланғич баҳоси — 11 902 000 сўм, 1989 йилда ишлаб чиқарилган «МТЗ-80» русумли трактор, завод рақами 652797, бошланғич баҳоси — 6 590 000 сўм, 1989 йилда ишлаб чиқарилган «МТЗ-80» русумли трактор, завод рақами 666486, бошланғич баҳоси — 11 902 000 сўм.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус РАПИБ судининг ижро хатига асосан, Тахтакўпир тумани СИБ томонидан хатланган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган «ВТ-150 ДЕ» русумли трактор, давлат рақами 89-67 ЖФ, бошланғич баҳоси — 22 681 296 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 18 декабрь куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, 4-қават, 412-хонада ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktsion Invest« МЧЖ Қорақалпоғистон филиалининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Нукус филиалидаги МФО: 01068, СТИР: 302083379, 20208000904932168010 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-«А» уй, 412-хона. Телефон: (8-361) 222-11-73.**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

2012 йил 14 сентябрь куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдосида Фарғона тумани СИБ томонидан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган «Ласетти» русумли, давлат рақами 01 U 648 HA, бошланғич баҳоси — 36 783 750 сўм бўлган автотранспорт воситаси 40 112 000 сўмга сотилди, 2000 йилда ишлаб чиқарилган «Дамас» русумли, давлат рақами 15 G 8121, бошланғич баҳоси — 4 241 781 сўм бўлган автотранспорт воситаси 5 850 000 сўмга сотилди.

2012 йил 15 октябрь куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдосида Фарғона тумани СИБ томонидан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат рақами 40 D 522 EA, бошланғич баҳоси — 24 522 500 сўм бўлган автотранспорт воситаси 27 552 000 сўмга сотилди, 1999 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» русумли, давлат рақами 40 H 643 AA, бошланғич ба-ҳоси — 14 713 500 сўм бўлган автотранспорт воситаси 16 132 000 сўмга сотилди.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФИЛИАЛИ**

2012 йил 17 сентябрь куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдосида Беруний тумани СИБ томонидан хатланган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган «ГБА Нексия СНГ» русумли, давлат рақами 95 Z 059 AA, бошланғич баҳоси — 22 500 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 25 875 000 сўмга сотилди, 2012 йил 24 сентябрь куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдосида Амударё тумани СИБ томонидан хатланган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган «Тико» русумли, давлат рақами 22 M 7786, бошланғич баҳоси — 7 695 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 8 849 250 сўмга сотилди.

*Гувоҳнома № 004059*

1812R/870


## ОБ-ҲАВО

**(31 октябрь)**



| | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +7 +12 | +17 +22 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +10 +15 | +19 +24 |
| Тошкент, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +7 +12 | +22 +27 |
| Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +10 +15 | +25 +30 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +7 +12 | +20 +25 |
| Тошкент шаҳрида | +10 +12 | +25 +27 |





*Давлат, хусусий ҳамда мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**ПАТРУЛЬ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ УЧУН НУРЛИ АКУСТИК УСКУНАСИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА**

***тендер савдосини эълон қилади.***

*Тендер таклифлари 2012 йил 3 декабрь куни соат 18.00 гача қабул қилинади.*

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.**

**Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8 10 998) 231-33-43, 255-78-24. Факс: (8 10 998) 281-43-73 (74). E-mail: umts@mvd.uz**

1802A/1236


Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қўмита муассислигида чоп этилаётган “Оила ва жамият” газетаси бош муҳаррири Норқобил Жалиловга турмуш ўртоғи **Анорхол ХУДОЙБЕРДИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси жамоаси бош бухгалтер Олимжон Ғаффоровга падари бузруквори **УЧКИР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси Олий математика кафедраси профессори **Алим Атаханович МАХМУДОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби жамоаси Санъат тарихи ва назарияси кафедраси ўқитувчиси Сайёра Исмоиловага волидаи муҳтарамаси **ХАТИМА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 61 384 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5